

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ КИМЁ – ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
“ОЗИҚ – ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ТЕХНОЛОГИЯСИ”
ФАКУЛЬТЕТИ
“ОЗИҚ – ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ТЕХНОЛОГИЯСИ”
КАФЕДРАСИ**

**Унумдорлиги 200кг\соат шарқ вафлисини ишлаб чиқариш
технологияси мавзусидаги битирув малакавий ишининг**

ТУШУНТИРИШ ХАТИ

Кафедра мудири

доц.Абдуллаев У.К.

**Битирув малакавий
ишининг рахбари:**

к.ўқ.Джахангирова Г.

**Битирув малакавий
ишини бажарди:**

Мирсобитова Н.

ТОШКЕНТ – 2016

						Вароқ
						1
Ўзг.	Вароқ	Хужжат	Имзо	Сана		

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
«ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ТЕХНОЛОГИЯСИ» КАФЕДРАСИ
“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

Кафедра муdiri
Абдуллаев У.

« » 2016 йил

**МАЛАКАВИЙ БИТИРУВ ИШИ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚ
Талаба**

(Ф.И.Ш.)

1. Малакавий битирув ишининг мавзуси

_____ (Институт ректорининг _____ йилдаги № _____ буйруғи асосида тасдиқланган)

2. Малакавий битирув ишни топшириш муддати

**3. Малакавий битирув ишни бажаришга доир
кўрсатмалар**

4. Ҳисоблаш тушунтириш ёзувларининг таркиби

_____ (ишлаб чиқилган масалалар рўйхати)

5. График ишлари рўйхати

_____ (чизмалар номи аниқ кўрсатилади)

Малакавий битирув ишини бажариш режаси:

№	Малакавий битирув ишни бажариш босқичлари	Маслаҳатчининг Ф.И.Ш.	Бажариш муддати	Бажарилган лиги изоҳи
1.	Технологик қисм			
2.				
3.				
4.				
5.				
6.	Техник-иқтисодий ҳисоб қисми			
7.	Технологик жар-ни автомат-риш			
8.	Меҳнат муҳофазаси			
9.	Экология			
10.	Фуқаро муҳофазаси			
11.	МБИн расмийлаштириш			

Малакавий битирув ишини раҳбари

(имзо)

(Ф.И.Ш.)

Топшириқни бажаришга олдим

2016 й.

(имзо)

(сана)

Вароқ

2

Ўзг.	Вароқ	Ҳужжат	Имзо	Сана
------	-------	--------	------	------

МУНДАРИЖА

1. Кириш.....
2. Ишлаб чиқаришнинг назарий асослари.....
3. Технологик схемани асослаш.....
4. Технологик схемани баёни.....
5. Хом ашё ва тайёр маҳсулот тавсифи.....
6. Ускуналарни танлаш ва ҳисоблаш.....
7. Асосий ускунанинг тавсифи.....
8. Технокимёвий назорат.....
9. Меҳнат муҳофазаси.....
10. Экология.....
11. Фуқаро муҳофазаси.....
12. Асосий ускунани автоматлаштириш.....
13. Техник-иқтисодий ҳисоб қисми.....
14. Хулоса.....
14. Фойдаланилган адабиётлар.....

						Вароқ
Ўзг.	Вароқ	Хужжат	Имзо	Сана		3

Кириш

Унли қандолат маҳсулотлари, қандолат маҳсулотларининг катта гуруҳини ташкил этиб, улар углевод, ёғ, оксилларга бойлиги билан ажралиб туради. Шу сабабли бу маҳсулотлар юқори энергия манбаи ҳисобланиб, жуда мазалли ва тўйимлидир. Бу маҳсулотлар қадимдан уй шароитида тайёрланиб келинган. Корхоналарда ишлаб чиқариш 60 йилларда бошланган. Асосан хорижий мамлакатларда, ҳамда Москва Харков, Петербург шаҳарларида ишлаб чиқарилган. Ҳозирги даврда Республикасизда кўплаб қўшма корхоналар унли қандолат маҳсулотларининг 100 дан ортиқ хилларини ишлаб чиқарилмоқда. Печенье, пряниклар, кекс, рулетлар, пирожный ва тортлар билан бир қатор вафлиларнинг бир неча ўнлаб турлари ишлаб чиқарилмоқда. Вафлилар начинкасиз ва начинкали бўлиш мумкин. Начинкали вафлилар ишлаб чиқариш кенг тарқалган. Уларнинг начинкачи помадали-мевали, шоколадли бўлади. Крем начинкали вафлилар эссенциясининг турига қараб ананнасли, апрельсинли, лимонли, шарқномлари билан чиқарилади. Республикамизда унли қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ошириш мавжуд маҳаллий хом ашёлардан кенг фойдаланишга боғлиқ.

Ўзбекистон қандолатчилик саноати охирида бир қатор вазифалар турибди.

- Аҳолининг талабини тўла қондириш мақсадида маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ошириш.
- Маълум турдаги ва навдаги қандолат маҳсулотлари ҳамда республикамиздаги кўп миллатли аҳоли талабининг хусусийларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқарадиган янги қандолат маҳсулотлари турларини кўпайтириш.
- Маҳсулотларнинг озиқавий ва биологик қийматини ошириш, таъми, хиди, консистенцияси ва ташқи томонидан безашни яхшилаш.
- Ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштириш ва автоматлаштириш, корхоналарида ишлаб чиқариш шароитини яхшилаш ва бошқалар.

Мамлакатимизда қандолатчилик саноати 1922 йилдан бошлаб қайта тиклана бошлади. Давлат ва кооператив корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган

						Вароқ
Ўзг.	Вароқ	Хужжат	Имзо	Сана		4

қандолат маҳсулотларининг ҳажми ўттизинчи йилларга келиб анча кенгайтирилди.

Дастлабки бешйилликлар ичида қандолатчилик саноати мавжуд корхоналарни реконструкциялаш ва янгиларини қуриш бўйича давом эттирилди. Асосий ишлаб чиқариш жараёнлари механизациялаштирилди, ишлаб чиқаришнинг технологик режимлари ва хом ашё тайёр маҳсулотларни назорат усуллари ишлаб чиқарилди. Қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқариш жадал суръатларда ўсиб борди ва 1940 йилга келиб 790 минг тоннага етди (ёки 1913 йилдагидан 7 баробарга ошди).

Бу даврда эски қандолатчилик фабрикаларининг кўпчилигида янгидан реконструкциялаш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш амалга оширилди. Бу тадбирлар “эски” деб аталадиган қандолатчилик фабрикаларида қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни бир неча мартага оширишга имкон берди. Бунга Москванинг учта энг йирик корхоналарининг кўрсаткичлари бўйича ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқариш минг тоннада

1913 й. 1940 й.

„Красный Октябрь“ (о. Эйнем) ..7,1 55,4

„Большевик“ (о. Сиу).....5,4 54,8

Бабаева номли (о. Абрикосова).3,7 41,3

Эски қандолатчилик фабрикаларини реконструкциялаш билан бир қаторда, бу даврда 40 дан ортиқ янги механизациялаштирилган корхоналар қурилди, булар қаторида Баку карамел ва бисквит фабрикаси, Харьков бисквит фабрикаси, Крупская номли Ленинград фабрикаси, Нальчик, Воронеж, Қозон, Новосибирск, Благовещенская, Ашхабод, Тошкент, Гомел фабрикалари, Москва «Ударница» фабрикаси ва бошқалар.

Янги қурилган ва реконструкция қилинган қандолатчилик фабрикалари ишлаб чиқаришнинг асосий участкаларини механизациялаштиришга ва бу участкалардаги меҳнат шароитларини энгиллаштиришга имкон берадиган янги жиҳозлар билан жиҳозланди.

Ўзг.	Вароқ	Хужжат	Имзо	Сана

Қандолатчилик саноатини техник қайта жиҳозлаш ва ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштириш янги тузилган илмий асосланган ишлаб чиқариш технологиялари ва қандолат фабрикаларида лаборатория назоратини ташкил этиш ёрдамида ўтказилди.

Иккинчи бешйилликнинг бошида қандолатчилик саноати учун муҳандис-техник кадрлар тайёрлашни ташкил этилиши ва 1931 йил Қандолатчилик саноати бўйича илмий тадқиқот институтини очилиши янги технологияни ва ишлаб чиқариш назоратини ишлаб чиқиш ва жорий этишга имкон берди.

Янги техникани ўзлаштириш тадбирлари меҳнат самарадорлигини ҳам ошишига имкон яратди.

Қандолат маҳсулотлари қабул қилинган классификация бўйича қўлланиладиган хом-ашёга, ишлаб чиқариш технологиясига ва тайёр маҳсулотга қараб, иккита катта гуруҳга ва бир қатор кичик гуруҳларга бўлинади:

- | | |
|-----------------------------------|---|
| а) шакарли қандолат маҳсулотлари: | б) унли қандолат маҳсулотлари: |
| 1) карамел | 1) печенье |
| 2) конфетлар | 2) пряниклар |
| 3) шоколад и шоколад маҳсулотлари | 3) тортлар, пирожнийлар, (кекс,ы, баба ва рулетлар) |
| 4) пастиломармеладли маҳсулотлар | 4) вафли. |
| 5) ҳолва, шарқ ширинликлари | |
| 6) ирис | |
| 7) драже | |

Қандолат маҳсулотларининг ассортименти ниҳоятда хилма-хил бўлиб, 800 дан ортиқ турлари бор.

Қуйида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, қандолат маҳсулотларининг озуқавий қиймати юқори бўлиб, 1 кг маҳсулотда инсоннинг тўла қонли озиқланиши учун муҳим бўлган элементлар – углеводлар, оксиллар ва ёғларнинг кўплиги билан тавсифланади.

Ўзг.	Вароқ	Хужжат	Имзо	Сана

Таблица 1

Маҳсулот турлари	Углеводлар	Ўғлар	Оқсиллар	Брутто
	в г			калорияси (дан -гача)
Карамел	750-895	0-120	0-34	3760-4650
Конфет	400-865	0-330	0-70	3800—5970
Шоколадли маҳсулотлар	180-550	200- 400	50-240	4490-6030
	650-740	-	-	3060-3510
Пастило-мармеладли				
маҳсулотлар	370-400	300-330	170-190	5450-5560
Холва	670-930	0—175	0—55	3820-4790
Драже	620-670	80-155	110-140	4180-4700
Печенье	340—530	120-390	50-70	3560-5530

						Вароқ
Ўзг.	Вароқ	Хужжат	Имзо	Сана		7

Ишлаб чиқаришнинг назарий асослари

Вафли хамирини тайёрлаш. Хамир тайёрлаш жараёни катта ҳисобланади, чунки у тайёр маҳсулот олишдаги ўзига хос қатор навбатлашиб келувчи технологик оператсияларга (шакл бериш, пишириш, безаш ва ҳоказо) асос бўлади.

Пиширилган маҳсулотларнинг тузилмаси асосан хамирнинг ҳосил бўлиши босқичида шаклланади. Бунда хамир тузилмасининг бир хиллилиги, унинг ва тайёр маҳсулотнинг сифатли чиқиши хамир тузилмасини ҳосил қилиш жараёнида юзага келтирилган тизим сифатига боғлиқ бўлади.

Ундан тайёрланадиган қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ҳар хил турдаги хамирлардан фойдаланилади. Ҳар бир хамир тури белгиланган хусусиятга эга бўлган тайёр маҳсулот олишни таъминловчи ўз технологияси бўйича тайёрланади.

Тузилмасига кўра ундан тайёрланадиган ҳар хил қандолат маҳсулотлари турлари хамирини қуйидаги учта асосий тизимга ажратиш мумкин:

- 1) егилувчан пластик-ёпишқоқ тизимлар (затяжной, галет, крекер хамирлари);
- 2) пластик-ёпишқоқ тизимлар (шакарли, кумок хамирлар);
- 3) суст тузилмали тизимлар (вафли, бисквит хамирлари).

Хамир қориш оператсиясининг биринчи мажбурий мақсади – ун, сув, шакар, ёғ ва бошқа таркибий компонентлардан иборат бутун тизимнинг барча массаси бўйича бир жинслиликни ҳосил қилиш.

Хамир ҳосил бўлиши жараёнидаги энг асосийси – талаб этилган тузилмадаги хамирнинг шаклланиши ва берилган хусусиятларга эга бўлган тизимга эга бўлиш.

Хамир қоришнинг энг аввалида ун қисмчалари сув, шакар, ёғ, туз ва бошқа таркибий компонентлар билан ёндаша бошлайди. Бунда ҳосил бўлаётган хамирда қатор жараёнлар кеча бошлайди. Буларнинг ичида физик, коллоид ва биокимёвий жараёнлар энг катта аҳамиятга эгадир.

Микробиологик жараёнлар ачитқилар ва ун таркибидаги кислота ҳосил қилувчи бактерияларнинг ҳаёт фаолияти билан боғлиқ бўлиб, улар хамир қориш жараёнида ҳал қилувчи аҳамият касб этувчи фаолликка эришишга улгурмайди.

						Вароқ
						8
Ўзг.	Вароқ	Хужжат	Имзо	Сана		

Хамир мажмуасида мураккаб тизимни ҳосил қилувчи ҳар бир хом ашё компоненти хамир ҳосил бўлиши жараёнида ўзига хос муайян рол ўйнаса-да, энг катта аҳамият қуйидаги асосий хом ашёларга тааллуқли бўлади – ун, ёғ ва шакар.

Ундан тайёрланувчи қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда асосан олий ва биринчи навли буғдой унлари, айрим маҳсулот турлари учун эса – буғдой обой унидан фойдаланилади (5-жадвал).

5-жадвал

Қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ишлатилувчи ун турларининг кўрсаткичлари

Буғдой уни тури	Тортиш йириклиги, %				Кул микдори, ҚМ да % (кўп эмас)	Клейковина микдори, % (кам эмас)
	Елакдаги қолдиқ (ипак ёки сим элак)		Елакдан ўтиши (ипак ёки сим элак)			
	елак рақами	% (кўп эмас)	елак рақами	% (кам эмас)		
Олий	43	5	—	—	0,55	28
И нав	35	2	43	75	0,75	30
ИИ нав	27	2	38	60	1,25	25
Обой	067	2	38	30	*	20

* - тозалашгача бўлган дон куллилигидан 0,07% гача пастрок.

Хамир қоришда ун қисмчалари сувни тез ютиб шиша бошлайди. Қорилаётган массага механик таъсир этиш натижасида юзага келувчи яхлит массага шишган ун қисмчаларининг ёпишиб-бирикиши хамирнинг ҳосил бўлишига олиб келади.

Қандолат маҳсулотлари хамири таркибида ун ва сувдан ташқари бошқа хом ашёлар ҳам, биринчи навбатда шакар ва ёғ мавжуд бўлади.

Шакар ун крахмалларининг шишишини пасайтиради ва хамирнинг тузилмасига, шунингдек тайёр маҳсулот сифатига сезиларли таъсир кўрсатади.

Шакар маҳсулотнинг таъми ва рангига таъсир кўрсатишдан ташқари, шишишни чеклаш хусусиятига ҳам эгадир, бунга боғлиқ равишда ун крахмали ва оқсилларининг шишиш даражасини бошқариш имконияти юзага келади. Шу боис

						Вароқ
						9
Ўзг.	Вароқ	Хужжат	Имзо	Сана		

шакар хамирнинг пластификатори ҳисобланади.

Хамирга қўшилган ёғлар ҳам ун коллоидларининг шишувчанлигини пасайтиради. Крахмал ва оқсиллар билан адсорбсион бирикиб олар экан, ёғлар коллоид қисмчаларнинг боғланиши мумкин бўлан жойларни блоклаб қўяди, улар ўртасидаги ўзаро боғларни кучсизлантиради ва шу тарзда намликнинг кириб келишига тўсқинлик қилади. Бу эса хамирнинг эластиклигини пасайтиради ва пластиклигини оширади.

Сут маҳсулотлари, уларнинг таркибида яхши эмулгирланган сариёғнинг мавжудлиги сабабли хамирнинг пластиклиги ва маҳсулотларнинг таъм сифатларини яхшилайдди.

Тухум маҳсулотлари кўпик ҳосил бўлишига ва хамирнинг кўпчишига имкон беради: тухум сариғи летситини табиий эмулгатор ҳисобланади, тухум албумини эса яхши кўпик ҳосил қилувчанлик хусусияти туфайли маҳсулотларга ғоваклик бахш этади ва тузилманинг фиксатсиясини таъминлайди. Бундан ташқари тухум маҳсулотлари қандолат маҳсулотларига ёқимли таъм ва ранг бахш этади.

Вафлининг хаамири суст тузилмали тизимлар гуруҳига мансубдир. У суюқ консистенцияга эга бўлиши, яъни нормал дозировкани таъминлаши ҳамда пишириш печининг ясси вафли қолиплари юзаси бўйлаб тез тарқалиши лозим. Суюқ консистенцияга эга бўлган вафли хаамирини олиш учун хамир қоришда ун клейковинаси алоҳида тарқоқ қисмчаларининг ўзаро ёпишишини чекловчи технологик шароит яратилади.

Реологик нуқтаи назардан вафли хаамири – бу суст тузилмали дисперс тизим. Хамирни қориш шундай тарзда ўтказиладики, суюқликка қўшилиш вақтида уннинг ҳар бир қисмчаси атрофида клейковинанинг кўпчиётган қисмчаларининг ўзаро яқинлашиши ва ёпишишига тўсқинлик қилувчи гидрат қобик ҳосил бўлиши лозим.

Хамирнинг физик ва тузилмавий-механик хусусиятларига ишлаб чиқаришнинг технологик омиллари, яъни асосан ҳарорат, намлик ва хамир қориш давомийлиги ҳам юқори даражада таъсир кўрсатади. Вафли – қават-қават кўринишдаги масаллик суртилган ёки масалликсиз энгил, ғоваксимон

					Вароқ
Ўзг.	Вароқ	Хужжат	Имзо	Сана	10

варақлардир. У турли шаклларда: тўғри бурчак, доира, учбурчак ва шаклдор – ёнғоқ , чиғаноқ , қаламча ва шунга ўхшаш кўринишда ишлаб чиқарилади. Вафли тўлиқ ёки қисман шокалад сири билан қопланиши мумкин ёки ташқи томондан бошқача безатилиши мумкин. Шаклдор вафли масаллиқбилан тўлдирилган майда маҳсулотлар бўлиб, одатда у қутичаларга қадоқланади. Вафлининг нисбатан кўп бўлмаган миқдори вафли варақлари кўринишида масаллиқсиз ишлаб чиқарилади. Бундай вафли пишириб, совутилгандан кейин қутичаларга жойланади. Шаклдор вафли фақат масаллиқли қилиб тайёрланади.

Замонавий корхоналарда вафли механизациялаштирилган узлуксиз ишлайдиган жиҳозлар қаторида ишлаб чиқарилади. Бундай қаторларда узлуксиз хамир қориш, вафли варақларини пишириш, уларни совутиш, масаллиқни тайёрлаш, вафли варақларига масаллиқ суртиш, олинган қатламларни совутиш, уларни қирқиш, пачкаларга ўраш ёки қутичаларга қадоқлаш ва яшикларга жойлаш босқичлари бажарилади. Бу қаторда вафли варақларини пишириш учун учта конвеерли печлар ўрнатилган. Пиширилган вафли варақлари қия лотоклардан туширилади ва совутувчи транспортёр беланчаги билан ушлаб олинади. Варақларни совутувчи транспортер беланчаларидан олиш ва сурковчи машина конвеерига қўйиш тахлагич ёрдамида амалга оширилади.

Сурковчи машина вафли варақларига масаллиқ суртиш учун иккита механизмга эга. Шу тарзда машинада иккита масаллиқ ва учта вафли варақларидан иборат қатлам ҳосил бўлади.

Варақлар сурковчи машина транспортёрига бир-бирига яқин қилиб жойлаштирилади.

Тахлагичнинг ишлаши қуйидагича амалга оширилади. Тахловчи вафли варағини сурковчи машина тасмасига тахлайди. Тасма варақни сурковчи бошча остига бериб, суркагич валлар билан воронкадан масаллиқни олиб текис қатлам ҳолида ҳаракатланаётган вараққа суртади. Суртилган варақ тахлагич олдида тўхтаганда , тахлагич варақнинг устига иккинчи вафли варағини қўяди. Транспортер яна ҳаракатланади ва варақ суркагич остидан ўтиб , унга масаллиқ суртилади. Кейин тахлагич жуфт қатлам устига учинчи вафли варағини қўяди.

					Вароқ
Ўзг.	Вароқ	Хужжат	Имзо	Сана	11

Тахлагичлар ишламаган пайтда бу жараёнлар кўл ёрдамида амалга оширилади, бунда сурковчи машина тасмаси узлуксиз ҳаракатланади.

Тайёр қатлам тасмали зичлагич орқали ўтиб. Совутувчи камера транспортерига кўчади. Мослама ёрдамида учта совутилган қатламлар устма –уст терилади. Мослама тахлаган қатламларни кесувчи автоматга итаради. Бу эрда қатламлар тўғри бурчакли алоҳида вафлиларга қирқилади. Тайёр вафлилар ўровчи машина транспортери уячаларига жойланади.

Вафли варақлари учун қорилган хамир консистенцияси бошқа турдаги унли қандолат маҳсулотлари учун тайёрланган хамир консистенциясидан анча фарқ қилади. Бу хамир нисбатан паст қовушқоқликка эга суюқликдир. Унинг намлиги 65 % гача бўлади. Бундай юқори намликка эга хамирни олиш учун ретсептура бўйича солинган сувнинг миқдори ундан ташқари , барча хом ашёларнинг биргаликдаги вазнидан 12-12 марта бўлади.

Хамирнинг суюқ консистнетсияси вафли ишлаб чиқаришда асасий ярим тайёр маҳсулот ҳисобланадиган юпқа вафли варақларини олишга имкон яратади. У вафли қолипнинг барча уячаларини осонликча ва тўлиқ тўлдириши керак. Қориш пайтида уннинг сув билан аралашида уннинг ҳар бир заррачаси атрофида сувли қобиқ ҳосил бўлиши керак. Бундай қобиқ бўккан заррачаларни ёпишига қаршилик кўрсатади. Шунинг учун ун бирданига эмас, балки оз-озданбир неча марта солинади. Хамирни ундан ташқари барча компонентлардан ташкил топкан эмулсияда қориш мақулроқдир. Бу компонентлар асосан тухум сариғи ёки меланж, ўсимлик ёғи, фосфатидлар, натрий гидрокарбонати ва туз эритмаларидир.

Замонавий корхоналарда вафли варақлари учун хамир махсус механизатсиялаштирилган стансияларда узлуксиз усулда тайёрланади.

Вафли хамирини қориш. Вафли хамирини узлуксиз тайёрлаш учун дастлаб ундан ташқари ретсептура асосида барча компонентлардан эмулсия тайёрланади, кейин бу эмулсияга ун қўшилиб, узлуксиз ишлайдиган тебранма аралаштиргич ёрдамида аралаштирилади.

						Вароқ
						12
Ўзг.	Вароқ	Хужжат	Имзо	Сана		

Юқори намликка эга бўлган вафли хаамири учун эмулсия тайёрлашда сарфланадиган хом ашё миқдорига нисбатан 10-12 марта кўпроқ сув қўшиш керак. Шунинг учун дастлаб кам миқдорда сув сарфлаб қуюқ эмулсия тайёрланади, кейин унинг устига 8 карра сув қўшилади ва кувланади. Бундай ҳолда ҳар сменада 1-2 марта қуюқ эмулсия тайёрланади.

Кўпинча корхоналарда масаллик билан қаватма-қават қилинадиган вафли варақлари учун хаамир қуйидагича тайёрланади. Дастлаб кувлаш машинасига сув билан эмулсия кўринишига келтирилган озиқавий фосфатидлар, кейин эса тухум сариғи ва ичимлик содаси солинади. Хом ашё 30 минутгача аралаштирилади ва машинага ишлаб турган ҳолида ҳарорати 18 °C дан ошмаган сув, сут (сутли вафлилар учун), варақларни пишириш пайтида ҳосил бўлган чиқиндилар, туз ва энг охирида ун солинади. Парракчаларнинг айланиш частотаси 180 айл/минут бўлганда хаамирни кувлаш давомийлиги камида 18 минут.

Масалликсиз ширмой вафлилар учун хаамир қуйидагича тайёрланади. Кувлаш машинасига кетма-кет ҳарорати 18 °C дан ошмаган сув, шакар, уннинг бир қисми ва ичимлик содаси солинади. Хом ашё аралашмаси 2-3 минут аралаштирилади, кейин тухум сариғи солинади ва яна 10-12 минут кувланади, шундан кейин кувлаш машинасига эритилган ҳолда ёғ, уннинг қолган қисми, ванилин солинади ва яна 5-8 минут кувланади.

Масаллик билан қаватма-қават қилинадиган вафли варақлари учун хаамирнинг мувофиқ намлиги 58-65 %, масалликсиз ширмой вафли учун 42-44 % ни ташкил қилади.

Вафли хаамирининг ҳарорати 15-20 °C бўлиши керак. Ҳароратнинг юқорироқ бўлиши клейковинани кўпроқ бўкишига олиб келади, бу эса хаамир қовушқоқлигини оширади ва вафли сифатининг ёмонлашувига олиб келади.

Вафли варақларини пишириш. Вафли варақларини пишириш жараёни вафли печлари конструкцияси билан боғлиқ бўлган ўзига хос хусусиятларга эга. Вафли варақларини пишириш иккита массивли металл плиталар орасида контакт усулида амалга оширилади. Пишириш жараёнида жуда оз вақт мобайнида хаамирдан кўп миқдорда намликни чиқариш керак.

						Вароқ
						13
Ўзг.	Вароқ	Хужжат	Имзо	Сана		

Вафли варағини пишириш бир вақтнинг ўзида борадиган иккита жараёнлардан иборат: пишириш ва қуритиш. Бутун жараёнга намликни беришнинг катта тезлиги хосдир. Контакт қатламида масса алмашиш жараёни пиширишнинг бошланиш пайтида жуда тез боради, кейинчалик сувнинг буғланиш тезлиги пасаяди. Варақларнинг ғовакланиши асосан сувнинг буғга айланиши натижасида содир бўлади ва бу жараёнда кимёвий этилтирувчиларнинг роли унча катта эмас. Масаллик билан қат-қат қилиш учун мўлжалланган вафли варақларини пишириш печнинг қиздирувчи юзасида ҳарорати 170 °C бўлганда 2 минутга яқин давом этади. Масалликсиз ширмой вафлиларни пишириш давомийлиги 3-4 минут.

Вафли варақларини пишириш учун ярим автоматлаштирилган газли печлар қўлланилади, уларда занжирли конвеерга бириктирилган 18-24 та қолиб мавжуд. Қолип плиталари силлиқ, шаклдор ёки расм туширилган бўлиши мумкин, шу туфайли варақалари тегишли шаклни эгаллайди, юзасида эса турли нақшлар мавжуд.

Вафли варақлари турлича совутилади: ҳар бир варақ алоҳида совутилади ёки пиширилган варақлар устма-уст қўйиб совутилади. Биринчи усулда ҳаво варақнинг ҳамма жойига бир хил этиб боради ва барча зонасида намликни тортиб олиш бир хил амалга ошади. Бу ҳолда варақларни 30-35°C ҳароратгача совутиш давомийлиги 1,5-2 минутни ташкил қилади.

Вафли варақлари усма-уст теришиб совутилса варақнинг бутун сирти бўйлаб ҳаво билан намликнинг алмашилиш жараёни бир хилда бормайди ва оқибатда у деформатсыйланади. Варақнинг четки ва ўрта қисмларидаги намлик турлича ўзгаради. Агар намлик юқори ҳароратда (50-52 °C) ва хона ҳавосининг нисбий намлиги паст бўлганда (30 %) ўтказилса, у ҳолда вафли варақларининг деформатсияланиш жараёнини анча даражада камайтириш мумкин.

Масалликларни тайёрлаш. Вафлиларни қавтма-қавт қилиш учун масалликларнинг қуйидаги хиллари қўлланилади: ёғли, мевали, помадали, пралинели ва бошқалар. Вафлиларнинг кўп миқдори ёғли масалликлар билан ишлаб чиқарилади.

						Вароқ
Ўзг.	Вароқ	Хужжат	Имзо	Сана		14

Ёғли масаллиқлар. Шакар кукуни ва қандолатчилик ёғи ёки гидроёғлар ёғли масаллиқлар ретсептурасининг асосий компоненти ҳисобланади. Ёғли масаллиқлар сифатининг асоси ёғнинг қориш пайтида ҳаво билан тўйиниш (крем ҳосил қилиш қобиляти) ҳисобланади. Яхши қорилган ва ҳаво билан тўйинган масаллиқ осон эрийдиган ёғсимон юмшоқ консистенцияга эга бўлади.

Масаллиқни узлуксиз равишда тайёрлашда ёғ фақатгина эритилган ҳолда қўлланилади, чунки уни насослар ёрдамида ташиш ва дозалаш мумкин. Бироқ эритилган ёғнинг крем ҳосил қилиш қобиляти жуда паст, шунинг учун ундан яхши сифатли масаллиқ олиб бўлмайди. Шу сабабдан эритилган ёғ аралаштиришга туширилишидан олдин қотиш ҳароратигача совутилади ва махсус совутиш аппаратида унинг кристалланиши таминланади.

Ёғли масаллиқ ретсептурасига асосий компонентлардан ташқари лимон кислотаси, фосфатид концентрати, айрим ҳолда куруқ сут, какао кукуни, эссенсиялар, ванилин, бошқа таъм берувчи ва хушбўй қўшимчалар киради. Бундан ташқари ретсептурага мос оша навдаги масаллиқли вафлиларнинг қайтган чиқиндилари (қийқимлари) солинади.

Катта корхоналарда ёғли масаллиқлар узлуксиз ишлайдиган махсус механизатсиялаштирилган жихозлар қаторида тебранма аралаштигични қўллаб тайёрланади. Масаллиқ узлукли усулда тайёрланганда қорувчи ёки ҳароратлантирувчи машинага хом ашё қуйидаги кетма-кетликда солинади: майдаланган чиқиндилар, ёғнинг 85 % миқдори, шакар кукунининг 50 % миқдори солиниб, 2-3 минут аралаштирилади. Шакар кукунинг қолган қисми қориш пайтида аста-секинлик билан солинади. Лимон кислотаси, эссенсия ва бошқалар эмулсия кўринишида қўшилади. Жараённинг умумий давомийлиги 15-18 минут.

Помадали масаллиқлар вафли варақларига тегиб туриб, уларни қисқа вақт давомида намлигини оширади, натижада варақлар кумир-кумир хоссасини ёқотади. Бу помадали массанинг нисбатан юқори намликка эгалиги билан боғлиқ..

Намлиқни масаллиқдан вафли варақларига ўтиш тезлигини камайтириш мақсадида помадали массага сорбит, фосфатит концентратларини ва анча миқдорда ёғ солинади. Бунда сорбит намликни боғловчи восита сифатида

					Вароқ
Ўзг.	Вароқ	Хужжат	Имзо	Сана	15

қўланилади. Сорбит дастлаб қиздирилади, эритилади ва кўп бўлмаган миқтордаги помадали масса билан аралаштирилади. Фосфатид концентратлари ёғнинг оз қисми билан, кейин ёғнинг ретсептурада кўрсатилган қолган қисми билан аралаштирилади. Барча компонентлар қориш машинасида қорилади ва охирида фосфатид концентрати билан аралаштирилган ёғ солинади.

Мевали масаллиқлар мева-резавор ярим тайёр маҳсулотларини шакар ва патока билан намлиги 18 % қолгунча қайнатиш йўли билан тайёрланади. Бироқ вафли варақларини бундай масаллиқ билан кумир-кумир хоссаларини тез яқотади. Масаллиқ намлигини 16 % гача тушириш вафли варақлари хоссаларининг сақланишини узайтиради.

Вафли варақларига масаллиқ суркаш. Вафли варақлари ва масаллиқларнинг қатламлари турлича қилиб ишлаб чиқарилади: чунончи, уч қаватли вафли-иккита вафли варағи ва улар орасидаги бир қатлам масаллиқдан; беш қаватли вафли-учта вафли варақлари ва улар орасидаги икки қатлам масаллиқдан; этти қаватли вафли-тўртта вафли варақлари ва улар орасидаги уч қатлам масаллиқдан; тўққиз қаватли вафли-бешта вафли варақлари орасидаги тўрт қатлам масаллиқдан иборат. Уч қаватли вафлилар кўпинча помадали ва мевали хилдаги намликка эга бўлган масаллиқлар билан ишлаб чиқарилади. Беш ва ундан ортиқ қаватли вафлилар ёғли ва пралинели масаллиқлар билан ишлаб чиқарилади. Асосан беш қаватли вафлилар кўпроқ ишлаб чиқарилади.

Вафли варақларига масаллиқ қатламини суркаш учун вафли сурковчи механизмга ёки кўзғалувчан сурковчи кареткаларга эга бўлган машиналар қўлланилади. Қандолат фабрикаларида вафли сурковчи механизмга эга бўлган машиналар кенроқ тарқалган. Бу машиналар учта вафли варағи билан иккита қатлам масаллиқдан иборат беш қаватли вафли қатламларини тайёрлаш учун мўлжалланган. Шундан кейин тайёрланган вафли қатлами тасмали зичлагич остига келтирилади ва у эрдан совутишга узатилади. Зичлагич юқориги вафли варақларини қисиб, бутун вафли қатламини зичлайди.

Вафли қатламларини тиндириш. Кўпгина корхоналарда масаллиқли қатламлар ишлаб чиқариш ханаларида 5-6 соат тиндирилади. Бир-бирига устма — уст

					Вароқ
Ўзг.	Вароқ	Хужжат	Имзо	Сана	16

қўйилган вафлиларнинг баландлиги 1 м дан ошмаслиги керак. Тиндириш жараёнида масалликдаги ёғнинг паст ҳароратда эрийдиган фраксиялари прессланади ва вафли варақлари томонидан сўрилади. Бунинг оқибатида масалликнинг қовушқоқлиги ошади, варақлар бир-бирлари билан мустахкам жипслашади ва қирқиш осонлашади.

Замонавий корхоналарда вафли қатламларини тиндириш совутиш билан бирга олиб борилади. Бунда якка вафли қатламлари узлуксиз ишлайдиган совутиш шкафларида совутилади. Бу ҳолда вафли қатламлари босилмайди (қисилмайди) ва ёғнинг суюқ фраксиясини ажратиб чиқармайди, бу эса вафлиларнинг сифатини яхшилайди.

Вафлиларни совутиш 4 °C га яқин ҳароратда ва ҳаво тезлиги 6 м/с бўлганда 4-5 минут мобайинида олиб борилади.

Помадали ва мева масаллиқли вафлиларни совутиш учун узоқ вақт керак бўлади. Совутишни жуда ҳам тез амалга ошириш вафли варақларини масаллик қатламларидан ажрашига олиб келади, бу эса вафли қатламини бир хилда қирқишини анча қийинлаштиради ва чиқиндилар миқдорини оширади.

Вафли қатламларини қирқиш. Совутилгандан кейин вафли қатламлари қалинлиги 30 мм га яқин учтадан устма-уст қўйилади. Қатлам ўзаро перпендикуляр йўналишда тўғрибурчак шаклга эга бўлган алоҳида маҳсулотлар кўринишида икки марта қирқилади. Вафли қатламларини қирқиш пайтида увоклар ҳосил бўлади. Улар майдалангандан кейин ўзига мос масаллик тури масаллик массасига нисбатан 12 % дан ошмаган миқдорда қўшилади. Вафлининг айрим навлари шокалад билан тўла ёки қисман сирланади.

Вафлиларни қадоқлаш, жойлаш ва сақлаш. Вафлилар пачкаларга массаси 250 г гача ва кутиларга 1000 г гача қилиб қадоқланади. Бунда вафлилар ёнтомонлари билан қаторларга терилади. Шаклдор вафлилар қутичаларга жойланади. Пачкаларга қадоқлашдан олдин вафлилар бадий этикеткадан ташқари пергаментдан, селлофандан, фолгадан (зар қоғоз) ёки бошқа шунга ўхшаш материалдан тайёрланган материалларга ўралади. Мевали ва помадали масаллиқли вафлиларни қадоқлаш учун ёзув қоғозини қўллаш яхши, чунки нам

						Вароқ
Ўзг.	Вароқ	Хужжат	Имзо	Сана		17

ўтказадиган ёзув қоғози вафли варақларидан ортиқча намликнинг ёқолишига ва уларнинг кумир-кумир хоссаларини сақланишига имкон беради.

Тайёр вафли сифатига қуйидаги талаблар қўйилади. Масаллиқли тўғри бурчак шаклдаги алоҳида вафлиларнинг ўлчамлари узунаси бўйича 140 мм, эни бўйича 70 мм дан, қаламчалар узунлиги 300 мм, доирасимон вафлиларнинг диаметри 70 мм дан ошмаслиги керак. Масаллиқсиз вафли қалинлиги 10 мм дан ошмаслиги керак. Таъми ва ҳиди тегишли номдаги вафлиларга хос, бегона таъм ва ҳиддан холи бўлиши лозим. Ташқи кўриниши-юзасига аниқ расм туширилган вафлилар бир хил ўлчамга ва тўғри шаклга эга бўлиши, четларидан масаллиқ оқмаслиги, вафли варағи масаллиққа зич ёпишиши керак. Масаллиқ сифати- бир хил консистенцияли, ёғли ва пралинели масаллиқлар-ёғсимон, осонликча эрийдиган бўлиши керак. Умумий қанд, ёғ ва нам миқдори ҳар бир номланиш учун ўл қўйиладиган чекланишларни инобатга олиб, рксептура бўйича ҳисобдагига мос келиши керак.

Вафли яхши шамоллатиладиган, бегона ҳидга эга бўлмаган, 18 °С дан ошмаган ҳароратда ва ҳавонинг нисбий намлиги 65-70 % бўлган тоза қуруқ омборхоналарда сақланади. Вафлили яшиқлар стелажларда баландлиги 2 м дан ошмаган ҳолда текис кўринишда терилади. Бундай шароитларда ёғли ва пралине масаллиқли вафлиларнинг сақланиш муддати 2 ой, мева масаллиқли вафлиларники 1 ой, помадали масаллиқли вафлиники 25 кун, масаллиқсиз вафлиники 3 ой бўлади.

						Вароқ
Ўзг.	Вароқ	Хужжат	Имзо	Сана		18

Технологик схемани танлаш ва асослаш

Йиллик қуввати 1000 т бўлган “Шарқ” вафлисини ишлаб чиқариш учун пишириш печи танланди.

Вафли варақларини пишириш жараёни вафли печлари конструкцияси билан боғлиқ бўлган ўзига хос хусусиятларга эга. Вафли варақларини пишириш иккита массивли металл плиталар орасида контакт усулида амалга оширилади. Пишириш жараёнида жуда оз вақт мобайнида хамирдан кўп миқдорда намликни чиқариш керак. Вафли варақларини пишириш учун ярим автоматлаштирилган газли печлар қўлланилади, уларда занжирли конвеерга бириктирилган 18-24 та қолиб мавжуд. Қолип плиталари силлиқ, шаклдор ёки расм туширилган бўлиши мумкин, шу туфайли варақалари тегишли шаклни эгаллайди, юзасида эса турли нақшлар мавжуд.

“Шарқ” вафлисини ишлаб чиқариш линияси қуйидаги технологик жиҳозлар билан таъминланган:

- ун бункери ХБУ-160А;
- ун эловчи ПБ-1,5 русумли;
- автомат тарози МД-100;
- хамир қорувчи машина А2-ХТЗБ;
- хамир бўлувчи машина А2-ХТН;
- тиндириш шкафи;
- пишириш печи Г-30;
- ёғ эритгич СЖР;
- насос РЗ-100;
- қурутиш машинаси НАГЕМА;
- вафли ўровчи автомат У-5;

тайёр маҳсулотни сақлаш ва тахлаш учун махсус идишлар танланади.

Битирув малакавий иши “Қандолатчилик корхоналарида технологик жараёнларни ташкил этиш” қоидалари, унли қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун технологик йўриқнома тўпламига асосланиб бажарилди.

						Вароқ
Ўзг.	Вароқ	Хужжат	Имзо	Сана		19

Технологик схемани баёни

Ун корхонага тўкма холда махсус машиналарда (1) келтирилади. Ва ун қувурлври орқали (2) аэрозоль транспорт ёрдамида ун бункерига (3) сақлаш учун жойлаштирилади. Ун эловчи машина Бурат (4) да эланиб металл аралашмалардан тозаланиб автотарозида ўлчанади МД-100 (5).

Ўлчанган ун норияси ишлаб чиқариш бункерига (6) тушади.

Вафли листлари учун хамир узлуксиз усулда эмульсияда тайёрланади.

Эмульция қуйдагича тайёрланади: дозаторлардан (7-8-9) эмульгаторга (10) тухум сариғи, туз, сода, сув тушади. Эмульция 15 минут давомида қорилади. 2-5 % совуқ сув қўшилиб, яна суюқ эмульция ҳосил бўлгунча аралаштирилади. Эмульция эмульгатордан фильтр орқали вибро қориштиргичга (12) узатилади. Бу ерда ун туширилади ва вафли хамир ($W_x-65\%$) тайёрланади. Тайёр хамир насос ёрдамида филтлда (15) ўтказилади ва пиширишга (14) узатилади. 2 минут $t-170^{\circ}\text{C}$ да пиширилади.

Пиширилган листлар $t-30^{\circ}\text{C}$ да 1-2 минут совутиш шкафида совутилади. (15) совутилган листлар транспартёр (16) орқали сурковчи машинага (17) тушади. Ёғли начинка қуйдагича тайёрланади. Узлуксиз қорувчи машинага (18) дозаторлар орқали шакар кукуни (19) қуритилган сут (20) қандолат ёғи (21) сариёғ (22) какао порошоги (23) корица (24), коньяк (25) ванилин, эссенция тушади ва 15 минут давомида қорилади. Аралашма қориш давомида ҳаво билан тўйинган сабабли енгил, майин айланади. Тайёр начинка сурковчи машина варонкасига тушади, у ерда вафли листлари юзасига тушади. Тайёр листлар 2 қават начинка 3 қават вафли листларидан иборат бўлиб, совутувчи камерага (27) совушга тушади. Бу ерда вафли листларга начинка шимилади. Пластлар штабелар ёрдамида (28) тахланади. Ва транспартёр ёрдамида кесувчи машинага ўтказилади (29) пластлар тўғри тўртбурчак шаклида кесилади. Тайёр маҳсулот ўрувчи автомат (30) тушади. Автоматдан тахлаш столида вафлилар гофрокоробаларга тахланади.

						Вароқ
						20
Ўзг.	Вароқ	Хужжат	Имзо	Сана		

Хом ашё ва тайёр маҳсулот тавсифи

“Шарқ” вафлисига куйидаги хом ашёлар ишлатилади:

-олий навли буғдой уни;

-тухум сариғи;

-ош тузи;

-ичимлик содаси;

- шакар кукуни

- куритилган сут

- қандолат ёғи

- сариёғ

- какао порошоги

- корица

- коньяк

-ванилин эссенцияси

Ун. (ГОСТ 26574 О’zDSt 1104) Умумий овқатланиш ва қандолатчилик корхоналарида хамирли қандолатчилик маҳсулотларини тайёрлаш учун олий, биринчи ва иккинчи навли буғдой унларидан фойдаланилади. Олий навли буғдой уни (30%) жуда юмшоқ, жуда майда тортилган, ранги оқ, кучсиз кремсимон тусли бўлади.

Мазкур ундан пирожнилар, тортлар, вафли, шунингдек печене ва пряникларнинг энг яхши навлари ҳамда ачитқили хамир маҳсулотлари тайёрланади. Вафли ишлаб чиқариш учун 28-30% клейковинали ун ишлатилади.

Уннинг нонвойлик сифатларига унинг намлиги кучли таъсир кўрсатади. Намлиги стандартда белгиланган меъёрдан (15%) ортиқ бўлган унлар сақлашда тез бузилади ва улардан тайёрланувчи маҳсулотларнинг чиқиши паст бўлади. Бундан ташқари, намлиги юқори бўлган ундан фойдаланилганда уни сарфлаш меъёри ортиб кетади, яъни 14% намликдан юқори бўлган ҳар бир фоиз намлик ҳисобига ретсептурада кўрсатилгандагига нисбатан 1% кўпроқ ун олишга тўғри келади. Мос ҳолда уннинг намлиги меъёрдан паст бўлса, унинг миқдори ҳам камаёди.

						Вароқ
						21
Ўзг.	Вароқ	Хужжат	Имзо	Сана		

Қандолатчилик маҳсулотлари ретсептураларида намлиги меъёр даражасида бўлган муайян миқдордаги унга қўшиладиган сув миқдори келтирилади. Сув ва уннинг нисбати ўзаро мувофиқ бўлмаганда, қорилган хамир ҳар хил консистенцияга эга бўлади (1-жадвал).

1-жадвал

Ун ва сув нисбатининг хамир сифатига таъсири

Нисбат (ун:сув)	Хамир консис- тнсияси	Хамир тури ва унинг қисқача тавсифи
1:2,7	Суюқ	Блинчик учун хамир – ўз шаклини сақлай олмайдиган бир жинсли масса
1:0,45	Ўртача	Қовуриладиган пирожкилар учун хамир – бир жинсли ёйилувчан масса
1:0,3	Қуюқ	Қуштили учун хамир – жуда ҳам эластик бир жинсли масса

Уннинг намлигини билган ҳолда қориладиган хамирнинг қандай намликда бўлишини ҳисоблаш мумкин. Бунинг учун хамир қоришга келтирилган барча хом ашёнинг вазни ва қўшиладиган зарур сув миқдорини билиш керак.

- а) Пиширилган маҳсулотнинг сифати кўп жиҳатдан уннинг технологик сифатига боғлиқ бўлади: уннинг “кучи”, газ ҳосил қилиш хусусияти, ранги ва пиширишда тўқроқ тус олиши.

Клейковинанинг сифати ва миқдори тайёр маҳсулотнинг сифатига таъсир этибгина қолмайди, балки хамир тайёрлашнинг технологик тартиби ва турли хил хамирлар учун ун навини танлаш уларга боғлиқ бўлади.

Ҳар хил турдаги хамир тайёрлаш учун клейковинаси бир хил бўлмаган унлар керак бўлади. Қуйидаги 3-жадвалда таркибидаги хом клейковинанинг миқдорига кўра унларнинг қўлланилиши келтирилган.

						Вароқ
Ўзг.	Вароқ	Хужжат	Имзо	Сана		22

**Таркибидаги хом клейковинанинг миқдorigа кўра унларнинг
кўлланилиши**

Хом клейковина миқдори, %	Хамир ва маҳсулот номи
35-40	Қатлама хамир, заварной хамир, бисквитли рулет ва юмалоқ бисквит, булочкалар, пончиклар, қовурилган пирожкилар, кўкнор уруғли рулет, Майский ва Қандолат кекслари
30-35	Ёғли чучук хамир, ёпма пирожкилар, ачитқили ва қатламали хамирдан кулебяка.
25-30	Бисквитли обинон, кумоқ хамир, пряниклар, ачитқили хамир пироглари, печенелар
20-25	Заварной пряниклар, вафли

Уннинг хусусияти аниқлангандан сўнг, улар омборда навларга ажратилади ва кўрсатмага мувофиқ ишлатилади. Кучли ва кучсиз унлар мавжуд бўлганда ўртача кучга эга ун олиш учун улар аралаштирилади.

Тухум. (O'zDSt 626) Мазкур хом ашё қандолатчилик маҳсулотларининг таъмини яхшилайти, уларга ғоваклик бахш этади ва калориялилигини оширади. Хамирга тухум сариғи қўшилганда унинг тузилмаси яхшиланади ва маҳсулот жуда майин бўлиб чиқади. Товуқ тухуми¹ оғирлиги ва сифатига боғлиқ равишда И ва ИИ тоифаларга ажратилади. Тухумларнинг янгилиги овоскоп асбоби ёрдамида аниқланади.

